


Электр ускуналарини ерлантириш кўрикдан ўтказиш ва таъмирлаш ишларини бажарини
бўйича

№ 42159 - сонли пудрат



ШАРТНОМАСИ

«6» Сентябр 2022 йил

Оқтош шаҳарчаси

Бундан кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталувчи «Тўрақўргон нефт базаси» МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари **Ш.Файзиев** бир томондан ва бундан кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталувчи **ЧП Энергния Кристал Сервис** номидан Низом асосида иш кўрувчи **А.Рахимов** иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1. «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича «Буюртмачи»нинг буюртмаси бўйича:

Наманган вилояти «Тўрақўргон нефт базаси» МЧЖ ва унга қарашли бўлган 4та филиаллар ва ФЕҚШ хамда АЁКШлардаги электр ускуналарини ерлантириши кўригидан ўтказиш синов ишларини бажарини синов жараёнида ерлантириши қурилмалари белгиланган талабларга жавоб бермаса талаб даражасига келтириши мажбуриятини олади. (бажариладиган ишлар иловада тақдим қилинади)

2. «Буюртмачи» эса, «Пудратчи»га шартномага мувофиқ объектларни ерлантириш ишларида бажарилиши лозим бўлган ишлар хажми билан танишиш ва нуқсон далолатномаси тузиш учун зарур шароитлар яратади, бажарилган ишларни қабул қилиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда бажарилган ишлар учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2. УМУМИЙ ШАРТЛАР.

1. Бажарилган ишлар далолатномаси лимитларга ёки бошқа харажатлар «Пудратчи» ва «Буюртмачи» билан ўзаро тасдиқланган смета ва бошқа меъёрий хужжатлар асосида хисобга олинади ҳамда тўлов учун тақдим этилади.

2. Хизматларни бажариш учун «Буюртмачи» «Пудратчи»га иш майдонини ўз вактида бўшатиб беради.

3. Бажарилган ишлар далолатномаси, ишлар якунлангач «Пудратчи» томонидан «Буюртмачи»га тақдим этилади ва «Буюртмачи» томонидан тасдиқланади.

4. «Буюртмачи» «Пудратчи»дан бажарилган ишларни миқдори ва сифатини текшириб қабул қилиб олади. Бажарилган иш сифати техник топширикда кўрсатилган талаблар (амалдаги меъёрий хужжатлар)га тўғри келмаса, «Пудратчи» ўз хисобидан бартараф этади.

5. «Буюртмачи ва Пудратчи» ўртасида Ўзбекнефтгаз АЖнинг 2019-йил 23-декабрдаги Низом талабларига мувофиқ ишларни бажаринига киришади.

3. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

1. Барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан бажарини ҳамда ишни «Буюртмачи»га мазкур шартларига мувофиқ бажарилган ишларни баённомалари ҳамда далолатномаларини топнишиш.

2. «Буюртмачи»ни пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш.

3. Ишларни бажариш (хизматларни кўрсатиш) вақтида саноат, ёнгин ва техника хавфсизлиги қоидалари, атроф мухитни муҳофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш.

4. Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

5. «Буюртмачи» томонидан топширилган ишларни бажаришда техника хавфсизлиги каттий амал қилиб, техника қоидаларига амал килиши ва ўз хизмат машинасидан фойдаланиб ишларни бажариш.

4. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

1. «Пудратчи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, «Пудратчий»дан тугалланган ишларни қабул қилиб олиш.

2. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, 1 ой давомида «Пудратчи»га ишларни қабул қилиш учун зарур ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш.

3. Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

5. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР.

1. Шарноманинг умумий суммаси **51 990 000** (эллик бир миллион тўққиз юз тўқсон минг) сўм этиб белгиланди. Ушбу сумма конкурс (танлов) савдолари натижасида аникланган каттий сумма ҳисобланиб, амалдаги бозор нархларининг ўзгаришига ёки тўловларнинг ошишига боғлик равиша ўзгармайди.

2. «Буюртмачи» «Пудратчи»га шартнома имзолангандан сўнг, шарномавий қийматнинг 15 фоизи **7 798 500** (етти миллион етти юз тўқсон саккиз минг беш юз) сўм микдоридаги аванс тўловни 15 банг иш куни ичida амалга оширади. Қолган тўловлар «Буюртмачи» билан «Пудратчи» ўртасида имзоланган далолатномаларга асосан 30 кун мобайнида амалга оширилади.

3. Ҳисоб-китоб шакли: «Пудратчи»нинг банкдаги ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Шартнома бўйича «Пудратчи» синов ишларини аванс толовни олгандан сўнг 30 кун давомида ишларни бажариб белгиланган тартибда далолатномаларни буюртмачига топшидари. «Пудратчи» шартномани иловасида кўрсатилган ишларини муддатидан олдин бажариш хукуқига эга. Бундай ҳолатларда узил-кесил ҳисоб-китоблар амалдаги конунчиликда ва ушбу шартномада кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

5. «Пудратчи» обьект топширилгунига қадар мазкур шартнома бўйича обьектга мулк хукукини ўзида саклаб қолади. Обьект «Буюртмачи»га топширилгунига қадар, обьектнинг тасодифий йўқ бўлиши ва шикастланиши хавфи «Пудратчи»нинг зиммасида бўлади. «Буюртмачи» мазкур шартнома бўйича зиммасига қабул қилинган мажбуриятларни шарнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган тақдирда, «Пудратчи» бу ҳақда конун хужжатларида белгиланган тартибда «Буюртмачи»ни ёзма равиша хабардор қилиши керак.

6. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

1. «Пудратчи» шартнома иловасида кўрсатилган ишларни бажаришда ўз вақтида амалга ошираса, «Пудратчи» «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятлари бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня (устама) тўлайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмай қолган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

2. «Буюртмачи» томонидан топилған нұқсанлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун, «Пудратчи» «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилған ҳар бир күн учун сифатсиз бажарылған ишлар қийматининг 0,4 фоизи мікдорида пеня түлайди, бунда пеняның умумий суммасы сифатсиз бажарылған ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

3. Пеня түлаш «Пудратчи»нинг ишларнинг бажарылышы ёки хизматлар күрсатишнинг кечикиши туфайли заарларни қоплашдан озод қылмайды.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

1. Шартномани бажарышда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилған заарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун хужжатларида белгиланған тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқлади.

8. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ.

1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарылмаслиги тарафларнинг ҳохиш-истагига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, яъни уруш харакатлари, эпидемия, табиий оғатлар ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарылишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай мажбуриятларни тўлиқ ёки кисман бажарылмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек, ушбу ҳолатлар юзага келган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

3. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлар ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда «Пудратчи» «Буюртмачи» ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиласидилар.

9. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

1. «Буюртмачи» ишларнинг тугатинининг мазкур шартномада белгиланған муддати «Пудратчи»нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатта кўпайған ҳолда, «Пудратчи» томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмагандан;

2. «Пудратчи» томонидан шартнома шартлари тозалаш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилған ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилғандан;

3. Объектдаги таъмирлаш ишлари «Пудратчи»га боғлиқ бўлмаган сабаларга кўра «Буюртмачи» томонидан бир ойдан ортиқ муддатта тўхтатиб кўйилғандан;

4. «Буюртмачи» томонидан молиялаштириш тўхтатиб кўйилғандан, қонун хужжатларида мувофиқ бошқа асослар бўйича шартномани бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

- 4 -

5. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилған томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

6. Шартномани бир томонлама бекор қилишга йўл кўйилмайди, қонун хужжатларида назарда тутилған холлар бундан мустасно.

10. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий харакатлар содир қиласликка келишиб оладилар.

2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши күшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича хамкорликни таъминлайдилар.

3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик муносабатлар юзасидан конунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беринига ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдааги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги харакатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳакида таассурот колдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юкоридаги харакатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги харакатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди: а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиши, божхона расмийлаштирувани амалга ошириш, судда иш кўрилиши, конунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда конунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа туслаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юкоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишининг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) конунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш, ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чикишига қонуний тус-берииш, бундай пул маблаглари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблагларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳакиқий эгалик хукукларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга; в) коррупцияга оид хукукбузарлик содир килиш учун таъмагирлик килиш, ундаш, тазиик ўтказиш ёки таҳдид килиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дархол хабардор килиши шарт.

5. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишида битимлар тузини бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиши хусусиятига эга бўлган хужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа харакатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиласиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчи, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьюторлар, хукукшунослар, хисобчилар, улар номидан харакат қилувчи бошқа вакилларларга) нисбатан қўйидааги харакатларни

амалга оширишлари шарт: - коррупциявий харакатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий харакатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳакида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш; - улардан коррупциявий харакатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; - уларни факат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чикиб ишга жалб килиш; - уларга конунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳак миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиласиган шахслар томонидан коррупцияга қарши кўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳакида хабар берилганлиги учун уларга тазиик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши кўшимча шартларнинг 4-ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб колса, иккинчи тарафни бу ҳакда зудлик билан хабардор килиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор килишини талаб килиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф килиш бўйича оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқини натижалари ҳакида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб килишга ҳакли

10. АЛОХИДА ШАРТЛАР.

1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.
2. «Пудратчи» обьектига ёки унинг алохиди кисмларига тегишли иш хужжатларини «Буюртмачи»нинг ёзма рухсатисиз, бошка ёки бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга эмас.
3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий хисобланади.
4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий хисобланади.
5. Мазкур шартномада томонлар ўртасида тасдиқланиб, бир хил юридик кучга эга бўлган холда 2 (икки) нусхада тузилди.
6. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва амал қилиши мулдати «**31**» **декабр 2022** йилгача.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

«БУЮРТМАЧИ»

«Тўракўргон нефт базаси» МЧЖ

X/7 2021000064267762039
М.Ф.Д. 00440 1 Q.Н.Н.2045.85124
„Oz sanat qurilish banki”
B.J.B. bosh ofisi Toshkent sh.
yash nobor filiali
Dastosh sh. Boboyev 60cha 1-uy
Tel 444-12-11

м.ў.

Директор:

Ш.Файзиев



«ПУДРАТЧИ»

ЧП ENERGIYA KRISTAL SERVIS

У/Р. 20208000504564958001
МФО: 00231
ИНН: 206820670
Адреса бази Номонган
Манзил: Номонган шахар
2 гигон мояв З-ч. 18 к.б.

м.ў.

Директор:



А.Рахимов